

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

5 ЖИЛД, 3 СОН

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

ТОМ 5, НОМЕР 3

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

VOLUME 5, ISSUE 3



ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ | INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№3 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2022-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Аскарлов Абдор Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори

Педагогика йўналиши

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ EDITORIAL BOARD РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Джораев Мухамматрасул
педагогика фанлари доктори, профессор

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
педагогика фанлари доктори

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам
педагогика фанлари номзоди, профессор

Джумаев Маманазар Иргашевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори

Асилова Гулшан Асадовна
Педагогика фанлари доктори, доцент

Саипова Малоҳат Латиповна
психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ҳажиева Ирода Адамбаевна
филология фанлари номзоди, доцент

Азимова Насиба Эргашовна
педагогика фанлари номзоди, доценти

Ахмедова Зебинисо Азизовна
фалсафа фанлари номзоди


Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Rakhimov Matlab Farkhodovich PHYSICAL EDUCATION AND SPORT AS A SOCIAL PHENOMENON.....	4
2. Қодирова Мадинабону Тургуновна ОТМ АРАБ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ.....	7
3. Asilova G.A. O‘ZBEK TILI TA‘LIMIDA FONETIK VA LEKSIK KO‘NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH (A1 daraja).....	17
4. Nazarova L. PSYCHOLINGUISTIC FACTORS IN FLIPPED CLASSES OF FOREIGN LANGUAGE LEARNING FOR ADULTS.....	23
5. Turg‘unboyev Sirojiddin Faxriddinovich OILAVIY BOLALAR UYI TARBIYALLANUVCHILARIDA KITOB O‘QISH MADANIYATINI SHAKLANTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI.....	28
6. Rejаметова Irada Ikramshikovna, Norbutayev Samandar Abdubakirovich YETIM VA OТА-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO‘LGAN BOLALARDA IJTIMOIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH.....	33
7. Хажиева И.А. АКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ, КАК СРЕДСТВО РАЗВИТИЯ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗОВ.....	38
8. Гизатулина Ольга Ивановна МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ СМЕШАННОГО ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ В ВУЗАХ.....	43
9. Носиров Рашод Адилевич, Рахимова Машхура Иномжановна, Темирова Светлана Владимировна ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ ОНГНИНГ ЎЗГАРИШИ - ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТАХЛИЛИ.....	51
10. Зарипова Д. А. ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШДА ТАЛАБАЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ SMART УСУЛИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ АҲАМИЯТИ.....	58



Носиров Рашод Адилевич

тарих фанлари доктори,

“Ижтимоий фанлар” кафедраси,

Тошкент давлат транспорт университети

Рахимова Машхура Иномжановна

Тошкент давлат транспорт университети,

«Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчи


Темирова Светлана Владимировна

Тошкент давлат транспорт университети,

«Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчи

ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ ОНГНИНГ ЎЗГАРИШИ - ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТАХЛИЛИ

For citation: R.A.Nosirov, M.I.Rakhimova, S.V. Temirova. Changing social consciousness in society - analysis of social relations. Journal of innovations in pedagogy and psychology, Vol. 5, Issue 3, 2022, pp.51-57

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6482241>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ўз тарихининг шундай масъулиятли чорраҳаси, давлат стратегияси бир бири билан боғлиқлиги, шунингдек, алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчалари, Давлат стратегик режалари аниқ ва ўзгармас тамойиллари, Мамлакатимиз стратегияси ички ва ташқи сиёсатдаги ислохотлар сари ташланган қадамлар, Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар, Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодаси каби масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Стратегия, давлат стратегияси, стратегик режа, Сиёсат, демографик, иқтисодий, Стратегик дастур, ижтимоий онг, ўзгариш, муносабат.

Носиров Рашод Адилевич

доктор исторических наук, профессор,

кафедра “социальных наук”,

Ташкентский государственный транспортный университет,

Рахимова Машхура Иномжановна

старший преподаватель, кафедра “социальных наук”,

Ташкентский государственный транспортный университет,

Темирова Светлана Владимировна

старший преподаватель, кафедра социальных наук,

Ташкентский государственный транспортный университет

ИЗМЕНЕНИЕ СОЦИАЛЬНОГО СОЗНАНИЯ В ОБЩЕСТВЕ - АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье речь идет о столь ответственном перекрестке истории Узбекистана, взаимосвязи государственной стратегии, а также многих уникальных концепций, четких и неизменных принципах государственных стратегических планов, предпринятых шагах по реформированию внутренней и внешней политики, изменениях в общественном сознании. общественные отношения Общественные отношения с изменением общественного сознания в обществе, широкомасштабными реформами в нашей стране. Первые результаты этих изменений анализируются такими вопросами, как их проявление в жизни и повседневной жизни нашего населения.

Ключевые слова: Стратегия, государственная стратегия, стратегический план, политика, демографическая, экономическая, стратегическая программа, общественное сознание, изменение, отношение.

Nosirov Rashod Adilovich

Doctor of Historical Sciences, Professor

Rakhimova Mashkhura Inomzhanovna

Senior Lecturer, Department of Social Sciences,

Tashkent State Transport University,

Temirova Svetlana Vladimirovna

Senior Lecturer, Department of Social Sciences,

Tashkent State Transport University

CHANGING SOCIAL CONSCIOUSNESS IN SOCIETY - ANALYSIS OF SOCIAL RELATIONS

ABSTRACT

The article deals with such a crucial crossroads in the history of Uzbekistan, the relationship of the state strategy, as well as many unique concepts, clear and unchanging principles of state strategic plans, steps taken to reform domestic and foreign policy, changes in public consciousness. public relations Public relations with a change in public consciousness in society, large-scale reforms in our country. The first results of these changes are analyzed by such issues as their manifestation in the life and daily life of our population.

Keywords: Strategy, government strategy, strategic plan, policy, demographic, economic, strategic program, social consciousness, change, attitude.

КИРИШ

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдида улуғ ва истиқбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Бугун Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди, десак, муболага бўлмайди. Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси [1], истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда.

Хўш, стратегия нима? У халқнинг мақсадларини қандай тўлади аминлайди? Танлаган мақсадларнинг истиқболлари нималарда намоён?

Стратегия — бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди. XXI асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди.

Стратегия деб, дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва баргараф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни

камраб олади. Шундан келиб чиқиб, давлат стратегияси бир бири билан ўзаро боғлиқ, лекин алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчаларда ифодаланади.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат бўлиб, Сиёсат, стратегия ва тактика каби стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборатки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг маънига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат — бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир.

Кўриб турганимиздек, стратегиянинг асл моҳиятида халқимизнинг орзу-умидлари йўғрилган ғоялардан ташкил топган миллий мафкуранинг ифодаси ётади. Мафкурадан нусха олиб бўлмаганидек, давлатнинг стратегик мақсадларини ҳам бошқа давлат ва халқларнинг тарихий тажрибасидан ўзлаштириб ёхуд нусха олиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос сиёсий-ижтимоий, демографик, иқтисодий, маданий тарихи, табиий ресурслари мавжуд бўлади. Айнан шу омиллар маълум ижтимоий шароит ва имкониятларни вужудга келтиради.

Стратегияни амалга ошириш энг масъулиятли жараён ҳисобланади. Агар у реал вазиятни тўлиқ камраб олган яхлит ва бир бутун режа бўлса, унинг муваффақияти таъминланади. Мабодо тесқари бўлса, унда турғунлик юзага келади. Бунга сабаб, нотўғри таҳлилий маълумотлар, хулосалар, қутилмаган шароитлар, ресурслардан оқилона фойдалана олмасликдир. Стратегияни баҳолаш ва назорат қилиш стратегик режалаштиришни мантикий яқунловчи омили бўлиб ҳисобланади. У ходисаларнинг қайта алоқаланишини таъминлаш жараёнида структуравий бўғинлардаги боғланиш имкониятларини таҳлил қилади, баҳолайди, аниқлайди, хулосалар чиқаради. Заруратда стратегик режаларни ўзгартиради.

Давлат стратегик режалари аниқ ва ўзгармас тамойилларга бўйсундирилиши муҳим. Улар ислохотларнинг бир маромда, изчил йўналишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, раҳбар ўз вазифаларини амалга оширишида турли илмий соҳалардаги маълумотлар ва хулосалар билан қуролланмоғи, бундан ташқари, импровизация қилмоғи, қўйилган вазифалар ечимини топишда индивидуал ва креатив ёндашувларни ташкил этиши лозим. Мазкур тамойиллар олдин қабул қилинган қарорни ўзгартириш эҳтимоли ёки ўзгарувчан вазиятдан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш имкониятини бериши зарур.

Стратегик дастур ва режанинг уйғунлиги ҳамда турли даражадаги қарорларнинг мустаҳкам боғлиқлиги муваффақиятнинг кафолати. Мазкур бирлик давлат органларнинг структуравий бўғинларида стратегик ҳаракатларни бирлаштириш, барча функционал бўлим режаларининг келишуви билан таъминланади. Айни пайтда стратегияни амалга ошириш имкониятларини туғдиради. Стратегик бошқарув жараёнида дастур ва режани амалга ошириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратилиши лозим.

Мазкур тамойиллар ҳокимият органлари фаолиятидаги ижро интизомининг паст суръатларига, шахсий масъулиятсизлигига барҳам беради, кадрлар лаёқати даражасини оширишни талаб қилади, мураккаб ва чигал иш тартибларини содда ҳамда тезкор ёндашувлар билан ўзгартиришга хизмат қилади. Энг муҳими, стратегик йўналишларни белгилашнинг мавҳум ва номаълум жиҳатларини ойдинлаштириш орқали тартиблаштиришга эришилади.

Истикбол мақсадларни қўйган давлатларнинг аксарияти миллий стратегик муваффақиятларни ЯИМнинг ўсишида, фуқароларнинг фаровонлик даражасининг юксалишида, деб қарайди. Яқин ўтмишда давлатнинг бирламчи вазифалари ҳосилдорликни ошириш, олтин-нефтни кўпайтириш, армияни мустаҳкамлаш билан изоҳланган. Албатта, ушбу омилларни инкор этмаган ҳолда бугун Ўзбекистонда миллий кадриятлар билан қуролланган давлатнинг стратегик мақсади фуқароларнинг ғоявий эътиқоди, билим-салоҳияти, жамиятдаги мукамал қонунлар ва барқарор ижтимоий институтларнинг мавжудлигини таъминлаш асносида амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Стратегик мақсадларнинг айнан инсон капиталига ва у орқали адолатли қонунларнинг, фаол ижтимоий институтлар ҳаракати ташкил этилишига қаратилаётганлиги бежизга эмас.

Шунинг учун ҳар қандай ислохотлар инсон капитални ривожлантириш билан амалда унинг тамал тоши мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз стратегияси нафақат ички ва ташқи сиёсатдаги ислохотлар сари ташланган қадамда, балки, энг аввало, давлатнинг халққа, халқнинг давлатга бўлган муносабатини ўзгараётганлигида намоён бўлмоқда. Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши давлатнинг бош мақсади сифатида стратегик йўналишлар белгиланмоқда. Улар аввало, ривожлантирилаётган ижтимоий соҳаларда ўз ифодасини топмоқда. Ёшларга муносиб таълим бериш, замонавий касб-хунарлар билан қуроллантириш, аҳолининг саломатлигини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ўз тасдиғини топди.

Давлат ва жамият қурилиши шундай бир мураккаб тузилмаки, унинг таркибидаги бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирадиган соҳа ва жабҳаларни бир вақтнинг ўзида жадал ривожлантиришни талаб қилади. Уларнинг ҳар бири иккинчисига замин яратади. Қайсидир асосий соҳа аввал ривожланиб, бошқа соҳа ва тармоқлар учун локомотив вазифасини ҳам бажаради. Албатта, бу жараёнда ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, объектив таҳлил қилиш, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар қабул қилиш, уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, самарали ишлаш механизмларини янги технологиялар асосида ташкил этиб бериш каби вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади.

Давлатнинг ҳаракатлар стратегияси етакловчи локомотив кучи — бу давлат ва унинг органлари. Ислохотларнинг гарови ва кафолати ҳокимиятнинг самарали фаолияти билан боғлиқ ҳодиса. Бошқарув маҳорати билан узоққа мўлжалланган мақсадларни режалаштиради, сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилади, аҳолини сафарбар этади, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни одилона тақсимот қилиш вазифаларини амалга оширади. Шундай экан, давлат ва жамият бошқаруви тизимларини такомиллаштирмасдан туриб мамлакат ҳаётини модернизация қилиб бўлмайди. Модернизация ўз умрини поёнига етказган бошқарув усулларини янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатни ривожлантиришга олиб келади. Бу жараёнлар бевосита маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда мустақил қарорлар қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришни тақозо қилади. Шу нуқтаи-назардан Президентимиз парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматида малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини янада ошириш вазифаларини белгилайди.

Бошқарувда адолатли давлат идора тизимлари шаклланмас экан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари — иккинчи узвий боғланувчи муҳим тамойил таъминланмайди. Улар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Бундай тизимнинг самарали фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг реал имкониятларини вужудга келтиради. Олий суд — олий ҳакам сифатида жамиятнинг яхши-ёмони, фойдазиёнини белгилаб берувчи маънавий барометрга айланадики, бундай ижтимоий муҳитда жиноят қилишдан кўра бунёдкорлик қилиш афзал бўлади. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлигига аҳамият бериши стратегик мақсадларнинг изчил амалиётини жорий этишга қаратилмоқда.

Жамиятда адолатли бошқарувнинг вужудга келиши, шубҳасиз, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш

имкониятини яратади. Улар макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, айниқса, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг янги инновацион технологияларининг татбиқ этилиши имкониятларини яратади. Яъни ривожланишнинг ички қонуниятларига кўра, янги сифат босқичга кўтарилишнинг мураккаб, аммо такомиллашган шакллари пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни амалга оширади. Натижада мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали жойларда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўсиш суръатлари вужудга келади.

Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар ҳам ривожланиб боради. Жамият ва унинг ҳолати аслида инсон онгининг инъикоси. Фуқаролар қандай эзгу амаллар маърифати билан қуролланган бўлса, ана шу руҳий қудрат истакларининг ҳосиласини олади. Бу жараён улкан тўлқин сифатида миллатнинг муштарақ мақсадларида намоён бўлади. У, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янги тармоқларнинг, ишчи ўринларнинг пайдо бўлишига, аҳолининг реал даромади ва шунга мувофиқ турмуш даражасининг ўсиб боришига хизмат қилади.

Дунёдаги кўпчилик тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд.

Давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, замонавий ижтимоий-иқтисодий адабиётда “ижтимоий соҳа” “ноишлаб чиқариш соҳаси” тушунчасини амалда муомаладан чиқариб, илмий адабиётга кириб келган бўлса-да, ҳозиргипайтда ҳам бу икки тушунчани бир-бирига тенглаштириш тарафдорлари мавжуд. Масалан, “Иқтисодий луғат” муаллифлари қуйидагиларни таъкидлайдилар: “ижтимоий (ноишлаб чиқариш) соҳа – бу бевосита моддий неъматлар яратилмайдиган (санъат, маданият, спорт, фан, таълим, соғлиқни сақлаш) соҳадир”[2]. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда ижтимоий соҳанинг моҳияти тўғрисида олиб борилган тадқиқотларда тармоқлар ва иқтисодий фаолият турлари мажмуи сифатида ижтимоий соҳа ҳақида тўлақонли иқтисодий тасаввур шакланмаган. Ижтимоий соҳа ривожланишига оид кўплаб илмий тадқиқотларнинг деярли барчасида бир хил ҳолат кузатилади, яъни уларда тадқиқотнинг предмет ва объекти аниқ ва равшан ифодалаб берилмаган, шунингдек, бошланғич тушунчалар (ижтимоий соҳа, ижтимоий сиёсат, ижтимоий инфратузилма, ижтимоий-маданий мажмуа)да ихтилофлар мавжуд.

Масалан, Л.П.Кураков ижтимоий соҳа тушунчасини асосиз равишда ижтимоий-маданий мажмуа тармоқлари йиғиндисига тенглаштиради ва унинг таркибига илмий-инновация, молия-кредит ва телекоммуникация мажмуаларини киритади.[3] Ижтимоий соҳа моҳиятини ёритиб беришга бундай ёндашув кенг тарқалганлигини таъкидлаш лозим. Қатор илмий тадқиқотларда ижтимоий соҳанинг мазмуни “ижтимоий инфратузилма объектлари томонидан амалга оширилган барча хизматлар йиғиндиси”[4] гача торайтирилади. Бошқа бир тадқиқотларда “ижтимоий соҳа ижтимоий инфратузилма ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидан ташкил топган ҳудудий-тармоқ мажмуаси”[5] сифатида талқин қилинади. “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” ўқув қўлланмаси муаллифлари ижтимоий соҳа деганда

“кишиларнинг ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган махсус иқтисодий муносабатлар соҳаси”[6] ни тушунадилар. Гарчи мазкур таъриф бирмунча аниқроқ бўлсада, унда қайси иқтисодий объектлар ўртасида ушбу махсус иқтисодий муносабатлар юзага келиши кўрсатилмаганлигини таъкидлаш лозим. “Ижтимоий соҳа иқтисодий тизимнинг бир қисми бўлиб, унинг функционал вазифаси ижтимоий характердаги хизматлар тақдим этишдан иборат[7]. Бу ҳолатда “ижтимоий соҳа” тушунчасига иқтисодий фаолият турлари мажмуи сифатида қаралиб, улар аниқ ифодаланган умумий вазифаларга, меҳнат тақсимотида ўзига хос ўринга ва мазкур иқтисодий фаолият турларини бошқаларидан ажратиб турувчи қатор жиҳатларга эга эканлигига урғу берилган. Бундай жиҳатлар жумласига ишлаб чиқариш ва истеъмол босқичларининг бир-бирига мос келиши, истеъмолчи билан бевосита боғлиқлик (контакт)нинг мавжудлиги, ижтимоий соҳа хизматларининг алоҳида истеъмолчига мўлжалланганлиги, хизматларни транспортларда ташиш ва жамғариш имкониятининг йўқлиги туфайли истеъмолнинг локаллашуви ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, В.П. Фомина томонидан берилган таъриф кенг қамровлиги ва нисбатан аниқлиги билан ажралиб туради. Унинг фикрича, “ижтимоий соҳага кишилар ҳаёт тарзига бевосита тааллуқли иқтисодий объектлар ва жараёнлар, иқтисодий фаолият турлари, аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган моддий ва маънавий неъматлар, хизматлар, шунингдек, киши, оила, жамоа, гуруҳлар ва умуман жамиятнинг пировард эҳтиёжларини қондириш қиради”[8]. Ҳозирги вақтда “ижтимоий соҳа” атамасининг мазмунини қуйидаги элементлар (унсурлар)нинг диалектик ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири мажмуи сифатида талқин этиш мумкин:

1. Иқтисодий объектлар – ягона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари.

Бу мажмуалар тўртта таркибий қисмдан иборат:

а) турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фаолият кўрсатаётган ижтимоий соҳа корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари (уй-жой ва коммунал хизмат хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, жамоат бирлашмалари, туризм, оммавий ахборот воситалари, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ фаолият (кишиларнинг мўътадил ҳаёт фаолиятини таъминлашга қаратилган қисми), йўловчи транспорти, умумий овқатланиш корхоналари ва ҳ.к.);

Ижтимоий соҳа ривожланиши деганда, одатда, унинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши тушунилади. Бунинг натижасида кенг кўламли ва юқори сифатли хизматлар кўрсатилиб, аҳолининг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжлари тўлароқ қондирилади, инсон салоҳиятини ривожлантириш учун имкониятлар доираси кенгайди.

Хулоса ўринда таъкидлаш лозимки, ижтимоий ривожланишни аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадалар орқали баҳолаш масалага бир томонлама ёндошиш бўлиб ҳисобланади, чунки, биринчидан, аҳоли жон бошига даромадларнинг ошиши улар мақсадга мувофиқ тақсимланмаган шароитда аҳоли турмуш даражаси ошганлигини билдирмайди, иккинчидан, даромадларнинг ошиши нисбий тушунчадир. Шу сабабли асосий масала кишилар ўзлари учун муносиб деб ҳисоблайдиган ҳаёт тарзини ярата оладиган даражада ривожланиш ҳисобланади. Бу эса кишилар танлов имкониятининг ошишида ўз аксини топади.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон
2. Большой экономический словарь /Под.ред. А.Н.Азрилияна. 5-е изд., доп. и перераб. М., 2002. – С.1048.

3. Большой экономический словарь /Под.ред. А.Н.Азрилияна. 5-е изд., доп. и перераб. М., 2002. – С.1048.
4. Кураков Л.П. Стратегическое планирование развития составляющих социальной сферы: Дис. ... д-ра экон.наук. СПб., 2003. – С.4, 60.
5. Родионов А., Галанц В. Социальная сфера: новый взгляд на проблемы развития //Человек и труд. 1998. – №1. – С.23-26
6. Алексеев А. Социальная инфраструктура муниципального района //Предпринимательство. 1997. - №1-2. – С.104-106.
7. Экономика социальной сферы: Учеб. Пособие /В.Г.Игнатъев и др. 2-е изд. М.; Ростов н/Д, 2005. – С.11
8. Пакулина И.С. Инновационное развитие социальной сферы региона: Монография / И.С. Пакулина. – Орел: Издательство Орловского филиала РАНХиГС, 2012. – 192 с
9. Холикова, Н. А., Умарова, Р. Ш., & Алимова, З. Х. (2021). Markaziy Osiyo xalqlari falsafasida naturfalsafiy goyalarining ilgari surilishi va asoslanishi. взгляд в прошлое, 4(6).
10. R Umarova, E Tuhtaboev, S Temirova - Scientific and Theoretical Bases of Beruni's Natural Philosophy //JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN ..., 2022 - Том-2, №1 – С.13-15.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

5 ЖИЛД, 3 СОН

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
ТОМ 5, НОМЕР 3

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY
VOLUME 5, ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000